



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 11 июнь, № 112 (5786)

Сешанба



## Хайр, Бухоро!

## Кўришгунча, Фарғона!

Бухоро шаҳрида “Универсиада — 2013” спорт мусобақаларининг финал босқичи якунланди.

Универсиада Ўзбекистон ёшлари ҳаётидаги улкан воқеага айланди. У барча спорт ихлосмандлари, бутун халқимизнинг диққат-этиборида бўлди. Ўз олдига улкан мақсадларни қўйган талаба-спортчилар учун азму шижоат, қатъият ва маҳорат майдони вазифасини ўтади.

Қайд этиш жоизки, “Кичик Олимпиада” номини олган мазкур нуфузли мусобақа навқирон авлод вакиллари жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол вояга етишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларни гуруҳ ва ифтихор тўйғуси билан яшашга даъват қилмоқда. Она Ватанга меҳр-муҳаббатларини кучайтирапти.

Кўхна ва боқий Бухоро заминидан ўтказилган бу галги спорт мусобақаларида ана шундай руҳ ҳукмрон бўлди.

Универсиада мусобақалари республика финал босқичида иштирок этишнинг ўзи ҳар бир талаба-спортчи учун юксак орзу ва олий мақсаддир. Чунончи, саралаш босқичларида қарийб 138 минг нафар талаба қатнашиб, шундан 1020 нафар йигит-қиз финал босқичига йўланмани қўлга киритди.

— Бухорода бўлиб ўтган ушбу Универсиада бир умр ёдимда қолади, — дейди баскетбол бўйича Қорақалпоғистон терма жамоаси аъзоси Айнура Алимбетова. — Мусобақаларнинг очилиш маросимида Президентимизнинг биз, талаба спортчиларга йўлаган табригини эшитиб тўлқинланиб кетдим. Ундаги сўзлар кучимизга куч, ишонч-имизга ишонч кўшди. Беллашувларга келсак, ҳар бир баҳс муросасиз кечди. Ярим финалда навоий-



лик баскетболчи қизларга қарши майдонга тушдик. Рақибларимиз маҳорат бебида биздан устун қиди. Учинчи ўрин учун кечган босқичда эса мезбонларни мағлубиятга учратдик. Бундан жуда хурсандимиз.

(Давоми 2-бетда).

«УНИВЕРСИАДА — 2013»

## Ёш истеъдодлар учун маҳорат майдони

4 — 8 июнь кунлари пойтахтимиздаги Бадий гимнастика бўйича олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган спорт мактабида Осиё чемпионати ва “Нарру Caravan” халқаро турнири ўтказилди.

### ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Осиё гимнастика уюшмаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз Гимнастика федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада Жанубий Корея, Япония, Хитой, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Ҳиндистон, Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия каби давлатлардан икки юз нафардан зиёд гимнастикачи голиблик учун бахшланди. Айни чоғда мазкур нафосат ва гўзаллик беллашувларида Ўзбекистон терма жамоаси

(Давоми 2-бетда).

### ХУҚУҚИЙ ТАЖРИБА

Ўзбекистонда жамият ҳаётини янгилаш ва мамлакатни либераллаштириш жараёнида рўёбга чиқарилаётган кенг қўламли ислохотлар қаторида ахборотни эркин олиш ва тарқатиш ҳуқуқи муҳим ўрин тутди.

## Очиқлик ва ошкоралик омили

Бунда фуқаролар билан фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатлари алоҳида эътибор қаратилади.

Президентимизнинг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақидаги Фармойиши ушбу йўналишдаги ишларни изчил амалга оширишда янги муҳим қадам бўлди. Хабарингиз бор, мазкур ҳужжатга биноан, жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб Самарқанд ва Бухоро вилоятларида қонун лойиҳасини синовдан ўтказишга киришилди.

(Давоми 2-бетда).

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижроси назорати мамлакатимиз парламентининг конституциявий ваколатларидан ҳисобланади. Шу бос Олий Мажлис Давлат бюджети ижросини ҳар чорақда, ярим йилликда ҳамда йил якунлари бўйича қўриб чиқади.

## Давлат бюджети белгиланган параметрлар асосида ижро этилди

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур муҳкамалар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар қоидалари асосида кечмоқда. Зеро, янги тартибга кўра, Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи кенг муҳокама қилинди. Масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев маъруза қилди.

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети Олий Мажлис

латаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йилдаги ва 2013 йилнинг биринчи чорақидagi ижроси якунлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи кенг муҳокама қилинди. Масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев маъруза қилди.

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети Олий Мажлис

томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилганлиги айтиб ўтилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишлари изчил амалга оширилаётганлиги, барча жабҳаларда ислохотларнинг тизимли давом эттирилаётганлиги ҳисобот даврида иқтисодийнинг юқори барқарор суръатларда ўсишини ва макроик-

тисодий мувозанатлиликни таъминлади.

Чунончи, 2012 йил якунларига кўра, мамлакат ялли ички маҳсулоти 8,2 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7 фоизга, пудрат қурилиш ишлари ҳажмининг 11,5 фоизга, чакана савдо айланмасининг 13,9 фоиз ўсишига эришилди. Экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва экспортни диверсификация қилиш, маҳсулотларни сотишнинг янги ташқи бозорларини фаол ўзлаштириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмининг 11,6 фоизга ўсишини, ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоғи 1,1 миллиард доллардан ортқ миқдорда бўлишини таъминлади. Экспорт таркибига ташқи маҳсулотлар 70 фоиздан зиёдни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

## Вафо ва садоқат рамзи



Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Президентимизнинг 2011 йил 27 майда имзоланган “Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотирасига Тошкент шаҳрида ҳайкал ўрнатиш тўғрисида”ги қарорига биноан барпо этилган ёдгорлик очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

### ЭХТИРОМ

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов, Ўзбекистон халқ шоири О. Ҳожиёва ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида адабиёт ва санъатга, маънавиятга, миллий ўзликини англашга юксак эътибор қаратилаётгани, бу эса, ўз ўрнида эртаниш эгалари — баркамол авлоднинг жонажон Ватанга муҳаббат, оилага, ота-онага эҳтиром ва садоқат, илм олишга рағбат, китобга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

(Давоми 3-бетда).

### ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Улуғ аждодларимизнинг бебаҳо маънавий мероси, асрлар ўтса ҳамки, умумбашарий қадриятлар тараннуми, қомиллик ва етуклик фалсафаси билан маънавиятимиз ривожига хизмат қилиб келмоқда.

## Бебаҳо маънавий мерос

Айни пайтда Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аҳмад Фарғоний сингари буюк аждодларимизнинг шахсияти, шеърий, насрий ҳамда илмий асарлари бутун дунёда катта қизиқиш билан ўрганилиб, чуқур тадқиқ қилинаётганлиги эса барчамизда фахру ифтихор ҳиссини уйғотди.

Хусусан, Мирзо Бобурнинг теран қомусий илм ҳамда ноёб тарихий маълумотларни ўзида мужассам этган бебаҳо асарлари бугун ҳам қимматли илмий манба сифатида эътиборга молик. Шу маънода, ушбу ноҳир иҳод намуналарининг асл мазмун-моҳияти ҳамда улар замиридаги эзгу гояларни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод онгу шуурига сингдириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, албатта, таҳсинга сазовор.

Кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон

Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий анжуманда ҳам шу хусусда сўз юритилди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 530 йиллигига бағишланган мазкур тадбир аллома ижодининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрнига бағишланди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, адабиётшунос олимлар, олий ўқув юртарининг профессор-ўқитувчилари ҳамда хорижий мутахассислар қатнашди.

Халқаро анжуманда қайд этилганидек, буюк шоир, истеъдодли адиб, қомусий илм соҳиби, моҳир лашкарбоши ва йирик давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб ҳар бир асар инсон тафаккурини бойитишда бемисл таъсир қўйишига эга.

(Давоми 4-бетда).

### Янгиликлар, воқеалар,

## хабарлар

Асакадаги “Автокомпонент” очиқ акциядорлик жамиятида тайёрланаётган товушпасайтиргичларнинг янги авлоди енгил автомобилларнинг сифат даражасини яхшилаш баробарида, атроф-муҳит мусаффолигини сақлашда ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

### Автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар

Ҳозир бу ерда асакалик автомобилсозларга “Нексия”, “Матиз”, “Дамас”, “Спарк”, “Кобальт” русумидаги машиналарнинг олд ҳамда орқа қисмлари учун махсус товушпасайтиргичлар етказиб берилаётир. Ўз ишини бозор талаблари асосида йўлга қўйган 270 кишилик жамоа Маҳаллийлаштириш дастури доирасида саноат корхоналари учун иш столлари, юк ташишга мўлжалланган кўча аравалар ва ёзув доскалари тайёрлашни ҳам ўзлаштирди.

Одилжон ШОДМАНОЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Модернизация шарофати

Айни пайтда Қумқўрган туманидаги 100 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган “Сурхон комбинати” масъулияти чекланган жамиятида 33 турдаги сифатли қурилиш маҳсулотлари тайёрланмоқда.

— Яқинда банк томонидан ажратилган 380 минг долларлик кредит ҳисобига корхонамиз қошида тошни қайта ишлаш цехини ишга туширдик, — дейди жамият мутасаддиларидан бири Бахтиёр Ражабов.

— Хориж технологияси ҳамда ускуналари билан жиҳозланган мазкур цехда коллеж битирувчилардан 15 нафарининг бандлиги таъминланди.

Нормурод ТЕМИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Бойитилган маҳсулот

Хоразм воҳасида янги турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар сони тобора ортиб бормоқда.

Хонқа тумани марказида иш бошлаган “Хонқа омад дон” масъулияти чекланган жамияти шулардан бири. Бу ерда гуруч ушоғидан сифатли гуруч тайёрлашни йўлга қўйиш учун 75 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди. Корхонага ўрнатилган янги техно-

логия гуруч қайта ишлаш жараёнида уни турли витаминлар билан бойитиш, маҳсулотни қадоклайди. Мавжуд дастгоҳлар йилга 2 минг 200 тоннага яқин гуруч ушоғини қайта ишлаш қувватига эга.

Ойбек РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### «Zo’r-Zo’r Star» голиби аниқланди

“Истиқлол” санъат саройида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Beeline” савдо белгиси ҳамкорлигида ташкил этилган “Zo’r-Zo’r Star” телевизион мусикий лойиҳаси якунига бағишланган гаала-концерт бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, кейинги йилларда “Фонд Форум” юртимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришда яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда. Хусусан, Жамғарма томонидан ўтказилаётган “Келажақ овози”

республика кўрик-танлови, “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивали, “Baby” болалар халқаро турнири, Замонавий хореография ва спорт пластикикаси халқаро танлови каби лойиҳалар шулар сирасидандир.

(Давоми 4-бетда).

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Универсиада муносабати билан Бухорода кенг қамровли бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Янги спорт иншоотлари барпо этилди. Мавжудлари реконструкция қилинди. Барча спорт мажмуалари замонавий спорт жиҳозлари ва инвентарлари билан таъминланди. Натижада қадимий

«Универсиада — 2013» беллашувлари юртимизнинг барча минтақаларида спорт барқарор ривожланаётганини ҳам кўрсатиб берди. Масалан, сурхондарёлик шахматчи қилинди. Барча спорт мажмуалари замонавий спорт жиҳозлари ва инвентарлари билан таъминланди. Натижада қадимий



# Хайр, Бухоро! Кўришгунча, Фарғона!

кентда халқаро талабларга мос спорт шаҳарчаси вужудга келди. Бу мақсадлар учун қарийб 93,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

— Бухорода 2002 йилда ўтказилган Универсиада мусобақаларида ҳам иштирок этганман, — дейди волейбол бўйича Хоразм вилояти терма жамоаси бош мураббийи Фарҳод Машарипов. — Очиги, бу гал Бухорога келиб, ҳайратим ошди. Байрамона безатилган кўча ва хиёбонлар, гулзорлар, замонавий спорт иншоотлари бири-бирдан кўркам, чиroyли. Ишончим комилки, жаҳон андозалари даражасидаги мажмуаларда спортга ошно тулган ўғил-қизлар орасидан Ўзбекистон номини халқаро майдонларда улуглайдиган кўпбал маҳоратли спортчилар етишиб чиқади.

роки муҳлису мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлган беллашувлар мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилди. Бундан ташқари, «Универсиада — 2013» тафсилотлари дунёнинг ўн та тилига таржима қилиниб, интернет орқали жаҳон спортини ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилинди.

Шунингдек, «Универсиада — 2013» дастури доирасида кўпбал маданият-маърифий тадбирлар — таниқли спортчилар, шоир ва ёзувчилар, санъат арбоблари билан учрашувлар, азам Бухоро шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилди. Айниқса, Бухоро маданият маркази, ундаги «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи мусобақа ишти-

рокчиларида катта таассурот қолдирди.

...8 июнь. Бухоро шаҳридаги «Бухоро» марказий стадиони байрамона безатилган. Чорлов мусиқаси янгради. «Универсиада — 2013» спорт мусобақаларининг финал босқичи ёпилиш маросими бошланади. Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келади.

Муҳташам спорт мажмуасида тўпланган минглаб томошабинлар ва спортчи талабалар ҳаяжонда. Голибларни тақдирлаш маросими бошланади.

Мусобақада энг кўп медалга жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоасига бош мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримовнинг «Универсиада — 2013» спорт ўйинлари катнаши-

ларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси — «Дамас» автомобили топширилди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Самарқанд ҳамда Андижон вилоятлари терма жамоалари Ўзбекистон Республикаси Президентини совғаси — «Дамас» автомобиллари билан тақдирланди.

Бундан ташқари, беллашувларда алоҳида маҳорат кўрсатган, тенгқурлари орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ талабалар махсус совринларга эга бўлдилар.

Энди «Универсиада — 2013» беллашувлари иштирокчиларидан саралаб олинмаган миллий жамоамиз аъзолари шу йилнинг 6 — 17 июль кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида бўлиб ўтадиган Жаҳон универсиадасида муносиб иштирок этиш учун тайёргарликни бошлади.

Муסיқа садолари янгради. «Универсиада — 2013» спорт ўйинларининг байроғи туширилади. Уни бухоролик спортчилар олий ўқув юртлари талабаларининг навбатдаги финал мусобақасига мезбонлик қиладиган Фарғона вилояти вакилларига топширади.

Мусобақа машъаласи аста-секин сўнади. Аммо унинг ёғдуси ва тафти, шак-шубҳасиз, мингминглаб навқирон авлод вакиллари қалбидан мустаҳкам жой олиб, уларнинг катта спортдаги йўлини ёритиб тураверади.

«Универсиада — 2013» спорт мусобақаларининг ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъаткорларнинг катта концерти билан якунланади.

Истам ИБРОҲИМОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

## ИНТИЛИШ

Чуст шаҳридаги «Плат модерн» хусусий корхонасида замонавий том ёпиш ашёси — пластик черепицалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

## Бежирим ва мустаҳкам

Корхонага киритилган 30 миллион сўмлик сармоя эвазига бу ерда кенг модернизация ишлари амалга оширилди. Экологик тоза ҳамда иқлим шароитига мос ушбу мустаҳкам қурилиш ашёлари бунёдкорларга ҳар жиҳатдан маъқул тушмоқда.

Кувонарли жиҳати, жорий йилнинг биринчи чорагида саноат соҳасида туманда 9 та ана шундай лойиҳа рўёбга чиқарилиб, бу мақсадлар учун 438,7 минг АҚШ долларини маблағ йўналтирилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Айни шу кунларда эса таҳририятимизга жойлардан жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган акциянинг аҳамияти хусусида жамоатчилик ўз фикр-мулоҳазаларини биз билан ўртоқлашмоқда.

## И. БОТИРОВ, ЎзЛиДеП Самарқанд вилояти Кенгаши раиси ўринбосари:

— Бугун худудимизда ўтказилган тадбирларда фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорлар қабул қилишидаги масъулияти тўшунтирилмоқда. Мазкур ҳуқуқий тажриба мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш ҳамда кенг кўламли ислохотларни ҳаётимизга изчил татбиқ этишда, табиийки, муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, бу ўзгаришлар жамиятимизни изчил ривожлантиришга имконият яратади. Қонун лойиҳасининг айнан Самарқанд ва Бухоро вилоятларида синовдан ўтказилиши, шубҳасиз, ушбу худудларда кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, умуман, тараққиётда ўсиш кузатилаётганидан далолат беради.

# Очиқлик ва ошқоралик омили

Вилоятимизда ҳуқуқий тажрибани ўтказишда, аввало, аҳолининг бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўлишлари учун қизгин таъбирлар кирибди. Чунонинг, жойларда ташкилотчилар томонидан режалаштирилган тадбирлар доирасида қонун лойиҳасини синовдан ўтказишнинг мақсади ва аҳамияти бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Ва бу ўзининг ижобий самарасини бериб, одамларда катта қизиқиш уйғотди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, жамиятимизда ҳуқуқий тажриба фуқаролик жамияти институтлари, яъни аҳоли ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро алоқалари ҳамда ижтимоий шериклиги ўсишида муҳим қадам бўлиши ҳақидаги қараш мустаҳкамланган бўлмоқда.

Албатта, ташкилотчилар томонидан ҳуқуқий тажрибани ўтказиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга қарамай, айрим одамлар ҳали-ҳануз ушбу тадбирнинг муҳим-

лигини тўлалигича англаб етганлари йўқ. Мазкур жараённи ОАВда ёритишда айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Истардикки, ОАВ вакиллари нафақат ўтказилаётган тадбир ҳақида, шу билан бирга, унинг аҳамияти, янги қонун лойиҳаси ҳуқуқий нормаларининг қўлланish механизми-ларини ўқувчиларга аниқ ва тушунарли қилиб етказиб берсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ҳуқуқий тажрибанинг самарали ўтказилиши-да қўл келади.

**З. САЛИМОВА, Абу Али ибн Сино номидagi Бухоро вилояти ахборот-кутубхона маркази директори ўринбосари:** — Вилоятимизда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг

очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормаларининг синовдан ўтказилиши аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришга, уларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида зарур ахборотлар билан таъминлашга, шу билан бирга, одамлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликини юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Ўйлаймизки, ўтказилаётган ҳуқуқий тажриба аҳолининг ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишга, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатларини янги босқичга кўтаришга, фуқароларнинг, энг аввало, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларига дахлдор ахборотларни олишларида кенг имконият яратади.

Ишончимизки, охири-оқибат мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоқлигини, сиёсий плюрализмни, мамлакатимизда ҳамда ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фикрлар айлма-хиллигини таъминлайди.

П. Дониёров эътибор олдди.

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Ийгиликда эътироф этилгандек, Президентимиз томонидан жорий йилга белгиланган устувор вазифаларнинг тизимли жорий этилиши 2013 йилнинг биринчи чорагида ҳам мамлакат иқтисодиётида муҳим ижобий ўзгаришларни таъминлади. Жумладан, янги ички маҳсулот ҳажми 7,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 13,2 фоизга ўсди. Жорий йилнинг биринчи чорагида Давлат бюджетининг даромадлари янги ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорда профитит билан ижро этилди.

Ийгиликда тақдим этилган ахборотнинг кенг муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзолари ўз сайловолди дастурларидан келиб чиқиб, Давлат бюджетни ижроси билан боғлиқ бир қатор масалаларни кўтариб чиқиди. Зеро, у мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати сифатида ҳаётга самарали татбиқ этилиши жамият ҳаётининг барча жиҳатларига ижобий таъсир кўрсатади.

## Ш. Тешаев, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг қўйи палатадаги фракцияси аъзоси:

— Давлат бюджетни ижросини таҳлил қилиш жараёнида ЎзЛиДеП БевоСИта электротар манфаатларига дахлдор бўлган устувор йўналишларга эътибор қаратди. Хусусан, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, уй-жой қурилишини, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш борасида фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 14 фоизга ортди. Утган йилда 205 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди.

Инвестициялардан оқилона фойдаланилиши, маҳаллийлаштириш дастурларининг муваффақиятли жорий этилиши самарасида республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича қўшилган қиймат солиғидан тушулмаларнинг 2011 йилдаги нисбатан 17,2 фоизга кўпайганлиги иқти-

содиётни диверсификациялаш ва модернизация қилиш борасида олиб борилаётган сиёсатнинг муҳим натижаларидан эканлиги тадбирда алоҳида эътироф этилди. 2012 йил якунига қўра, Давлат бюджетни янги ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз профитит билан ижро этилиб, инфляция кўрсаткичлари белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошиб кетмади.

## Давлат бюджетни белгиланган параметрлар асосида ижро этилди

Фракциямиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш бўйича олиб бориладиган ишлар унинг янги ички маҳсулотга уллушини 2011 йилдаги 54 фоиздан 2012 йилда 54,6 фоизга ўсишини таъминлаганини алоҳида қайд этди. Бу марраларга эришишда кичик бизнеснинг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамият касб этди. Чунонинг, 2012 йилда янги соҳа қўливи ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилди. Эътиборли жиҳати, Давлат бюджетни даромадида салбий таъсир кўрсатмасдан, 2011 йилдаги нисбатан солиқ солинадиган бандлик кенгайтиши ҳисобига тушулмалар миқдори 22,5 фоизга кўйайди. Айни чоғда мазкур солиқ ставкасининг камайтирилиши ҳисобига кичик корхоналар ва микрофирмалар даромади 100 миллиард сўмга ортди. Бу улара ўз соҳаларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни иш жорий қилиш ҳамда янги иш ўринларини яратишда қўшимча имкониятларни очди.

Шу билан бирга, фракциямиз аъзолари томонидан бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлашга мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга риоя этилиши ҳамда «Бюджет тизими тўғрисида»ги, «Давлат бюджетининг назоратини тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлар талабларининг бажарилиши озаидан назоратни янада кучайтириш ҳамда уларнинг ижро-

сини тўлиқ таъминлаш борасида амалий тақлифлар билдирилди.

## У. ЗОКИРОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қўйи палатадаги фракцияси аъзоси:

— Фракциямиз ўрнатилган Давлат бюджетининг ижросини таъминлашда асосий эъти-

бор ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ҳамда бошқа биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга қаратилиши муҳимдир. Уларнинг умумий ҳаражатлардаги улushi 2012 йилда қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бюджет ташкилотлари ҳудумлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар бир йилда ўртача 26,5 фоизга, аҳолининг реал даромадлари 17,5 фоизга ўсди.

Аҳоли бандлиги дастурларини амалга ошириш доирасида 973,5 мингга яқин, шу жумладан, қишлоқ жойларда 602,4 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан коллежлар ва иш берувчи корхоналар ўртасида ҳамкорликнинг турли шаклларида самарали фойдаланилган, қолаверса, туманлар ва шаҳарлар жамоатчилиги ушбу масалаларга кенг ҳалб қилинган муҳим аҳамият касб этди. Олиб бориладиган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, коллежларни тамомлаган 450 минг нафардан ортиқ ёш йигит-қиз ишга жойлаштирилди, уларнинг 40 фоизи ўзлари амалиёт ўтаган корхоналарда фаолият бошлагани эътиборга молиқдир.

Партиямизнинг сайловолди дастурдаги устувор вазифалардан келиб чиқиб, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсад-

ли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан 15,4 миллиард сўм маблағ умумтаълим мактабларини дарслиқлар ҳамда ўқув-методологик қўлланмалар, шу жумладан, 5,3 миллиард сўм биринчи синф ўқувчиларини ҳамда 1,2 миллиард сўм кам таъминланган оилалар фарзандларини бепул дарслиқлар билан таъминлаш мақсадида йўналтирилди.

Тақдим этилган ахборот таҳлили шуни кўрсатдики, айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланишига, уларнинг норқоний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳужуқбузарликларга йўл қўйилган. Шунингдек, айрим тармоқларда тўлов интизомига риоя этилмаётганлиги оқибатда дебиторлик ва кредиторлик, айниқса, бюджет олдидagi боқиманда қарздорликларнинг мавжудлиги йилгилашда айтиб ўтилди. Шу боис фракциямиз бюджет интизомига риоя этиш устидан назоратни кучайтириш керак, деб ҳисоблайди.

## С. ОТАМУРДОВ, Ўзбекистон «Миллий тиклиши» демократик партиясининг қўйи палатадаги фракцияси аъзоси:

— Партиямизнинг сайловолди дастурда Экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва экспортни диверсификация қилиш, маҳсулотларини сотишнинг янги ташқи бозорларини фаол ўзлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада экспорт ҳажми ўсиши ҳақидаги рақамларни келтиришнинг аҳамияти катта. Дунёнинг қўллаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолётган бир шариоатда, Ўзбекистон четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улшини нисбатан паст даражада ўлаш қилишга эришиди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари

# Ёш истеъдодлар учун маҳорат майдони

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган, дунёда ўхшаши йўқ ноб тизим — уч босқичли спорт ўйинларининг ҳам бунда муносиб ўрни бор. Негаки, мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари», академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тахсил олаётганларнинг «Барқамол авлод» ҳамда олий ўқув юртлари талабалари иштирокидаги Универсиада мусобақалари асосида барқамол авлод орзуси ушалмоқда.

Мамлакатимизда бадий гимнастикага катта эътибор замирида эса, шубҳасиз, қизларни ҳам жишонан, ҳам эстетик жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг соғлом бўлиб камол топишларида эришишдек эзгу мақсад мутасам. Булар, ўз навбатида, аҳоли орасида ушбу спорт турига бўлган қизиқишни кучайтириб, бўлажак гимнастика юлдузларини кашф этиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Утган йилларда бадий гимнастика бўйича пойтахтимизда ташкил этилган Жаҳон кубоги босқичлари, Осиё чемпионати, шунингдек, Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган ўн олтинчи ёзги Осиё ўйинларида вакилларимиз юқори натижаларни қайд этишди. Айниқса, навоийлик спортчимиз Ульяна Трофимованинг ХХХ ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этгани мамлакатимизда ушбу спорт тури ривожига қаратилаётган юксак эътиборнинг халқаро миқёсдаги эътирофи бўлди.

Булар пойтахтимизда ўтган бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Happy Caravan» халқаро турнири мисолида яна бир бор ўз ифодасини топди. Миллатлараро ҳамжиҳатлиқ, соғлом турмуш тарзию нафисликнинг ўзига хос тимсолига айланган мазкур нуфузли тадбирда ҳар бир қатнашчи бор маҳоратини ишга солди. Беллашувларда терма жамоамиз аъзолари ҳам совриндорлар қаторидан ўрин олгани барчамизни хушнуд этди.

Яккаликлар баҳсида

Хусусан, Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси жамоавий баҳслар бўйича олтин медални қўлга киритди. Ушбу мукофотга Жамила Раҳматова, Майя Филиппова, Мафтуна Шамсиева ва Валерия Давидова ҳамда, тўп, булава ва тасмада бажарган композициялари учун сазовор бўлди.

Алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича финал мусобақасида спортчимиз Жамила Раҳматова битта кумуш ва учта бронза, Майя Филиппова бронза медални қўлга киритди.

Гуруҳ баҳсларида вакилларимиз Зарина Курбонова, Луиза Ганиева, Ольга Кирьякова, Марта Раствова, Екатерина Бухенко ва Дарья Свечниковадан иборат гуруҳнинг булавада намойиш этган композицияси бронза медал билан тақдирланди.

Аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Happy Caravan» халқа-

умидли гимнастикачиси Сабина Тошкенбоева тўпда композиция намойиш этиш бўйича олтин медалга сазовор бўлди. Халқда машқ бажариш бўйича икки вақилимиз совриндор бўлди. Равила Фархудиновага кумуш, Жасмин Юсуповага бронза медалга насиб этди.

Гуруҳлар ўртасида халқда машқ бажаришда Фарангиз Аҳмедова, Комила Рустамова, Гузал Раимонова, Сабрина Рамонова, Карина Тагаева ва Ирина Салехдан иборат Ўзбекистон жамоаси олтин медалга сазовор бўлди. Нозима Собирхонова, Самира Аморова, Диана Орехина-Рижина, Екатерина Сабристова, Даяна Эргашева ва Алина Қосимовадан иборат яна бир гуруҳимиз кумуш медал билан тақдирланди.

Булавада машқ бажаришда Нилуфар Шомуродова, тасмада машқ бажаришда Зулфия Йўлдошева иккинчи ўринни эгаллади. Гуруҳ-



Аълло АБДУЛЛАЕВ (Ушба) олтин сурат.

ро турнирида иштирок этган ёш спортчиларимиз ҳам ўз маҳорат ва истеъдодини муносиб намойиш қилдилар. Вакилларимиз гуруҳ кўп кураш баҳсларида олтин ва бронза медалларни қўлга киритди. Жамоавий баҳсларда терма жамоамиз аъзолари иккинчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари, спортчиларимиз алоҳида предметларда машқ бажариш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этиб, иккита олтин ва шунча кумуш, битта бронза медални қўлга киритди.

Яккаликлар баҳсида

ро турнирида иштирок этган ёш спортчиларимиз ҳам ўз маҳорат ва истеъдодини муносиб намойиш қилдилар. Вакилларимиз гуруҳ кўп кураш баҳсларида олтин ва бронза медалларни қўлга киритди. Жамоавий баҳсларда терма жамоамиз аъзолари иккинчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари, спортчиларимиз алоҳида предметларда машқ бажариш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этиб, иккита олтин ва шунча кумуш, битта бронза медални қўлга киритди.

Яккаликлар баҳсида

Фозлидин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

очилиши ўтган йили шу соҳада амалга оширилган энг муҳим ишларимиздан бири бўлди. Фракциямизнинг фикрича, аҳолининг кенг қатлами учун тиббий хизмат сифатини оширишга йўналтирилган соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилишни давом эттириш лозим.

Шу билан бир қаторда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилиши керак. Шу боис фракциямиз мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий таъминлаш тизимини мустаҳкамлашни давом эттириш, тиббий муассасалари томонидан харид қилинаётган тахшис ва даволаш жиҳозларининг сифатига, шунингдек, давлат бюджетидан илм-фан раванқига ажратилаётган маблағлар ҳажмининг ошириш ҳамда уларнинг манзилли ва самарали сарфланишига эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблайди.

## С. АБДУБАКИЕВ, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг қўйи палатадаги депутатлар гуруҳи аъзоси:

— Шуни таъкидлаш керакки, Давлат бюджетни ижросида атроф-муҳит муҳофазаси масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, утган йили мазкур соҳага ажратилган бюджет ҳаражатлари 83,5 миллиард сўмни ташкил қилиб, улardan 20,3 миллиардга биохимла-хиллик ҳамда ландшафтларни ҳимоялашга, 49,5 миллиардга ҳайвонлар ва ўсимликларни асраб-авайлаш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга, 10,1 миллиард сўми оқова сувларни тозалашга йўналтирилди. Ушбу жараён жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам сақланиб қолди. Давлат бюджетидан атроф-муҳит муҳофазасига 21,7 миллиард сўм йўналтирилиб, улар юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича сарфланди.

Экологик ҳаракат депутатлар гуруҳи Давлат бюджетни ижроси ҳақидаги масалани ўрганиб, табиатни муҳофиза қилиш тадбирлари учун ўзлаштирилаётган бюджет маблағлари самардорлигини янада ошириш муҳимлигини айтаётган бўлди.

Қобил ХИДИРОВ.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун мамлакатимизда ҳаётда ҳамнафас, ижодда ҳамфирқ бўлиб яшаган бу мушфикр ижодкорларнинг асарлари кириб бормасан бирор бир ўзбек хонадонини учратмиш амримаҳол. Зеро, улар қатор романлар, қиссалар, ҳикоялар, сахна асарлари, шеър ва дostonлар билан китобхонлар қалбидан чуқур жой олиб улгурган. Шу ўринда Президентимизнинг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида ижодкор бахти ва масъулияти хусусида билдирилган мулоҳазаларни келтириш аниқ мудоао деб ўйлаймиш. "Меннинг фикримча, ёзувчилик — бу оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу — қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қандай ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичиди бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир".

Ушбу қанотбахш фикрлар ёзувчи Саид Аҳмад ҳамда шоира Саида Зуннунова асарларига ҳам бирдек тааллуқлидир, албатта. Бинобарин, муазам ёдгорлик мустаҳабид тузум зугуми, ноҳақ айбловлари боис минг бир машаққатга дуч келса-да, захматларга сабр-бардош билан чидаган, энг оғир ва қалтис вазиятларда ҳам бир-

бирига талпиниб яшаган ижодкорларнинг адабиётга, Сўзга, шу билан бирга, оилага садоқатини ифодалаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Саид Аҳмад асарларида фалсафий умумлашма чиқариш, воқеаларни лирик таъсирчанлик билан ифодалаш, бадиий

настрий асарлар муаллифи Саида Зуннунованинг ёшлик сурури, Ватан шукҳи ва меҳнат наҳидасини тараннум этувчи "Қизингиз ёзди", "Янги шеърлар", "Гуллар водийси", "Қизларжон", "Бир йил ўйлари" каби шеърий тўпламлари китобхонлар томонидан катта қувонч билан қабул қилинган. У насрда ҳам сермахсул ижод этган. Хусусан, "Гулбахор", "Гўдақ ҳиди" сингари ҳикоялар тўпламида оила ва муҳаббат мавзулари ўзига хос бадиий бўёқларда ифодаланган.

Она Ватанга садоқат, бахт ва муҳаббат туйғуларини куйлаган шоиранинг лирик шеърлари, жозибадор кўшиқлари, насрий асарлари адабиётимиз хазинасидан жой олган.

Ҳайкалнинг очилиш маросимиде Саид Аҳмад ва Саида Зуннунованинг фарзанди Нодира Хусанжўзаева сўзга чиқиб, юксак эҳтиром ва ҳурмат учун Президентимиз Ислам Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Кенг жамоатчилик вакиллари, шоир ва ёзувчилар, адабиёт мухлислари, талаба-ёшлар томонидан ҳайкал пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Иқомов, Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов иштирок этди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Вафо ва садоқат рамзи

таъсирларнинг хилма-хиллиги кўзга ташланади.

Истиқлолнинг нурафшон ёғдуси адиб ижодида ҳам ёрқинлик бахш этди. "Ўйқотганларим ва топганларим", уч жилдлик "Сайланма"си, "Қорақўз мажнун" ва "Қиприқдаги тонг" тўпламига кирган бир қатор қисса ҳамда ҳикоялар Саид Аҳмаднинг истиқлол йилларида завқ-шаҳқ билан қалам тейратганидан шаҳодат беради. Адибнинг қўлгина асарлари қардош ва хорижий тилларга таржима қилинган.

Устоз адиб, эл суйган ёзувчининг ижоди давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган. У "Буюк хизматлари учун" ва "Дўстлик" орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, Президентимиз Фармонига Биноан, Саид Аҳмад "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвонга ҳам сазовор бўлган.

Истеъодли шоира, жозибали

Фўқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар томонидан аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иллатларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш ва муносиб рабатлантириш ҳамда илғор иш тажрибаларини кенг омма-лаштириш мақсадига уюштирилган кўриқнинг Сурхондарё вилояти босқичида 14 нафар маслаҳатчининг билим ва тажрибаси синовдан ўтказилди.

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Маълумки, мамлакатимизда маҳалла институти фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида ўзини тобора кўпроқ намоён этмоқда. Зеро, бугунги кунда унинг ёшларини ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувлиқни таъминлаш борасидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс.

# Маҳалла маслаҳатчилари танлови

Яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги тартидаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлари ушбу йўналишдаги ишларни янада ривожлантиришига, шу жумладан, фуқаролар йиғинлари фаоллари вазибалари ва масъулиятини оширишига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда худудларни ривожлантириш борасида катта тажриба тўплаган, қўйи босқичларда 394 талабгор орасида саралаб олинган 11 нафар маслаҳатчи қатнашди.

— Бахслар қизгин бўлди, — дейди биринчи ўринни қўлга киритган Қўшқўпир туманидаги "Уртаён" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ўлжон Абдуллаева. — Ушбу тадбир давомиде қилган меҳнатларимиз, эришган ютуқларимиз ҳаммаси юзага чиқди. Айни чоғда бу ерда билим ва тажриба ўрганди. Бу, албатта, фаолиятимизни янада ривожлантиришимизда қўл келди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ўтказилаётган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танлови ҳам фуқаролар йиғинлари фаолларининг билим ва малакасини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу кунларда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Дин ишлари бўйича кўмита, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" жамғармаси, Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўрик-танловнинг вилоят босқичлари ўтказилмоқда.

Бугун Наманган вилоятидаги фуқаролар йиғинларида катта ҳаётий тажрибага эга, аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни ривожлантиришига ижобий таъсир кўрсата оладиган 757 нафар маслаҳатчи фаолият юритмоқда. Танловнинг туман, шаҳар босқичларида голиби чиққан 12 нафар иштирокчи вилоят босқичида қатнашди. Уларнинг миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, халқимиз удум ва анъаналарини оммалаштириш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилаларда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш, уларни диний экстремизм ва ақидапаластик, гийбевандлик ҳамда бошқа салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти ҳакамлар томонидан синовчилик билан ўрганилиб, адолатли тарзда баҳоланди.

Яқинда Тўрақўрғон туманидаги "Шарқ" маҳалла фуқаролар йиғинининг маслаҳатчиси Қомила Рўзиматова голибликни қўлга киритди.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 388 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси орасидан сараланган 16 нафар иштирокчи ўзаро баҳс олиб борди.

— Ушбу танловда орттирган билим ва малакамиз фаолиятимизда катта ёрдам беради, — дейди Амударё ту-

— Иштирокчиларнинг соҳага оид янги таҳрирдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятидан етарлиқа боҳабар эканлиги қувонарлидир, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими раиси Акрамжон Юлбарсов. — Қизгин баҳслардан сўнг Богдоғ туманидаги "Мурувват" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Марҳаб Абдурахмонова голиб бўлди. Чинданам бу маслаҳатчининг фаолияти ҳар қанча эътирофга лойиқ. У фаолияти давомида ёшлар билан ишлаш, улар бандлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш ва яна бир қатор йўналишдаги ишларни намунали тарзда ташкил этган.

Пироваддида Баликчи туманидаги "Товулди" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Гўлсара Ҳакимова голибликка муносиб қўрилди.

Кўриқнинг Ҳоразм вилояти босқичида "Обод турмуш йили"

Эътиборлиси, худудий босқичларда 1, 2, 3-ўринларни қўлга киритган иштирокчилар баробарида, номинациялар голиблири ҳам аниқланди ва улар ташкилотчилар томонидан муносиб тарзда рағбатлантирилди.

Кўрик-танловнинг худудий босқичлари давом этмоқда.

Вилоят мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## «КО'Р ТАРМОҚИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 2013 йил 10 майдаги 38827-29/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник 4-мавзеси, Назруллаев кўчаси, 51-уйда жойлашган, умумий майдони 1956,0 кв.м. бўлган бир қаватли бино ва иншоот қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 1 075 895 000 сўм.** Аукцион савдоси 2013 йил 12 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдога қатнашиш истигадиги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «КО'Р ТАРМОҚИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

## Хабар

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 1 ИЮНДАН 7 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

- 1. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича янги тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳаббатлик коммуналхўжалиқга улаштириш имконияти бўлган суворилмайдиган ҳамда унундорлиги паст қишлоқ ҳўжалиги ер участкаларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 20 майдаги 10, 6/1, 2-сонли қарори. 2013 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2464 (2013 йил 10 июндан кўча кирди). 2. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 26 апрелдаги 9/1-сонли қарори. 2013 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465 (2013 йил 10 июндан кўча кирди). 3. «Электр приборлари ва ташкилий техника билан ишлашда, уларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатишда меҳнати муҳфаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳфаза қилиш вазирининг 2013 йил 14 майдаги 34-Б-сонли буйруғи. 2013 йил 7 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2466 (2013 йил 10 июндан кўча кирди). 4. «Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги низомига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Рес-

## Реклама ва эълонлар

Давлат, ҳусусий ҳақида мулкчилик шакли турлича бўлган қорхоналар раҳбарлари диққатига! **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ РАҚАМЛИ АВТОМАТИК ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.** Тендер таклифлари 2013 йил 15 июль соат 18.00 гача қабул қилинади. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқориде кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8 10 998) 231-33-43, 255-78-24. Факс: (8 10 998) 281-43-74 (73). E-mail: umts@mvd.uz

«КО'СНМАС МУЛК САВДО КИЗМАТИ» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади. 1. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 2012 йил 27 сентябрдаги 1-3420/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Жамшид кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий ер майдони 378 кв.м., фойдаланиш майдони 117,96 кв.м.дан иборат уй-жой тасдиқланган қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 62 000 000 сўм.** Аукцион савдоси 2013 йил 28 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2013 йил 26 июнь куни соат 18.00. 2. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 11 августдаги ЖСХ 1-164/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент

«КО'СНМАС МУЛК САВДО КИЗМАТИ» МЧЖ очиқ танлов савдосига таклиф этади. Очиқ танлов савдосига ТИФ «Ўзмилийбанк» томонидан ТИФ «Ўзмилийбанк» кенгашининг 2013 йил 28 февралдаги 12-сонли баённомасига асосан, Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, «Халқобод» ҚФЙ, Халқобод кўрғониде жойлашган, умумий ер майдони 22 939,57 кв.м. бўлган 12 бино, иншоот, ишлаб чиқариш ускуналари ва бошқа мулклар қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 824 081 292 сўм.** Танлов таклифларини қабул қилишининг охириги мuddати — 2013 йил 12 июль куни соат 18.00. Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш вақти — 2013 йил 15 июль куни соат 11.00. Очиқ танлов савдосида иштирок этиш истигадиги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган бюртманомаларни «КО'СНМАС МУЛК САВДО XIZMATI» МЧЖга тақдим қиладилар ва закатал тўғрисидаги келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридеги закатал пулини ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519. Танлов ўтказиш қоидалари, шартлари ва таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатларини «КО'СНМАС МУЛК САВДО XIZMATI» МЧЖга белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган бюртманнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи

«КО'СНМАС МУЛК САВДО КИЗМАТИ» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки бошқарувининг 2012 йил 6 сентябрдаги 67/2-сонли қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Қорасув (Лисунов) кўчаси, 35-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1950,0 кв.м. бўлган, 3 қават ва ертўлали кинотеатр биноси тасдиқланган қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 2 471 645 000 сўм.** Аукцион савдоси 2013 йил 28 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2013 йил 26 июнь куни соат 18.00.

ООО «TAYFUN PLASTIK» ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ: ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ «MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ: КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах для производства полипропиленовых мешков. может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа. Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89. КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони жамоаси масъул ходим И. Ж. Қурбоновга укаси Элёр ЖУМАҚУЛОВнинг бевақф вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. «O'zbekiston» телерадиоканали жамоаси олий тоғфали диктор Абдумўмин Ўтбосаровга волидаи муҳтарамаси МУҲАББАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Бебаҳо маънавий мерос

◀◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу боис улуг сиймонинг ижодий меросини бугунги кунда Афғонистон, Германия, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш сингари мамлакатлардаги тадқиқотчилар кунт билан ўрганмоқдалар. Жаҳондаги кўплаб мамлакатларда буюк ватандошимиз шахсияти, ҳаёти ва ижоди, давлатчилик тарихидаги фаолиятига бағишланган илмий асарлар, қиссаю романлар, бадиий фильмлар яратилди, музейлар барпо қилинди ва бу йўналишдаги эзгу юмушлар айна дамба ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда.

— Илмий жамоатчиликка аёнки, Бобур ижодидида “Мубайин” асари ало-

ҳида аҳамиятга эга, — дейди Бобур халқаро жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов. — Ўртағимизда бу асарни ҳар жиҳатдан мукаммал ўрганиш масаласига истиқлол йилларида катта эътибор қаратилди. Исломи дини асосларини баён этувчи мазкур асар юртимиз ва хорижда кенг тарқалган бўлиб, унинг қўлэмалари устида қизгин тадқиқотлар олиб борилаёпти. Анжуман доирасида “Мубайин” асари бўйича олиб борилаётган ана шундай илмий изланишлар натижаси билан яқиндан танишиш мумкин. Мухтасар айтганда, бугунги халқаро анжуман жаҳон маданияти ривожига муносиб улуш қўшган буюк алломанинг илмий-адабий меросини кенг тарғиб қилиш,

тўлақонли ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

— Захириддин Муҳаммад Бобурнинг хотираномаси туркий тилда ёзилган энг бетакрор ва мукаммал асарлардан биридир, — дейди Туркология институти (Германия) профессори Клаус Шониг. — Чунки “Бобурнома” асари орқали сиёсий ва ижтимоий соҳага оид муҳим манбаларга — тил, дин, адабиёт, тиббиёт, ҳарб илми, демография, география, табиат олами, савдо-сотик, шаҳарсозлик маданияти, спорт ўйинлари, хуллас, барча жабҳаларга дахлдор қимматли маълумотларга эга бўлиш мумкин. Ушбу маълумотлар нафақат Фарбий Туркистон, балки Афғонистон, Ҳиндистон ва

Покистон каби мамлакатларга ҳам тааллуқлидир. Шу боис бу нодир ижод намунаси бугунги кунда дунё тадқиқотчиларининг диққат-эътиборида. Бобур ва бобурийлар тарихини ўрганиш борасида кенг қўламли изланишлар олиб борилаётган марка — Тошкент шаҳри эса биз каби илм-фан намояндаларини тез-тез ўз бағрига қорламоқда. Уйлайманки, бугунги халқаро анжуман ҳам бобуршунослиқда янгидан янги изланишларга кенг йўл очди.

Анжуманда Бобур ва бобурийларга оид қўлэмалар ҳамда тошбосма китобларнинг каталогини тузиш, топишган ҳужжатларнинг илмий тавсифини тузиш, алоҳида асарлар нашр қилиш ҳамда “Бобур энциклопедияси”ни тайёрлашдаги долзарб масалалар юзасидан илмий маърузалар тингланди.

**Муборак ОХУНОВА,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Маданият хабарлари



**Беруний тумани** марказида янги истироҳат боғи фойдаланишга топширилди. “Беруний авлодлари” жамғармаси қошидаги “Астурлобия” шўба корхонаси томонидан бу ерда 200 минг АКШ долларилик бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

## Бунёдкорлик меваси

Турли манзарали дархат кўчатлари ўзгача файз бағишлаган ушбу сўлим масканда айни пайтда хориждан келтирилган замонавий аттракционлар ишлаб турибди. Боғ ҳудудидаги табиий қўл ёзинг жазирамасида ҳам мўътадилликни сақламоқда.

Шу билан бирга, айни пайтда бу ерда теннис, волейбол, баскетбол ва мини-футбол майдончалари ҳам қурилмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## «Zo’r-Zo’r Star» Голиби аниқланди

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу йил илк бор ташкил этилган “Zo’r-Zo’r Star” телевизион муסיқий лойиҳасида янги номлар ва янги овоз соҳиблари кашф этилди. Лойиҳа давомида кўплаб ёшларимиз ўз маҳоратларини намойиш этиб, санъат ихлосмандлари, тажрибали мутахассислар имтиҳонидан ўтишди. Улар ижросидаги замонавий, мумтоз ва миллий кўшиқлар овоз бериш йўли билан баҳоланиб, истеъодлар сараланди. Шунингдек, ижро маҳорати, сахна ва санъаткор маданияти бўйича маҳорат дарслари ўтказилди.

Шундай қилиб, “Zo’r-Zo’r Star” биринчи телевизион муסיқий лойиҳасида голиблик ёш хонанда Улуғбек Холиқовга насиб этди. Унга мухлислар томонидан 63 445 смс-овоз берилди. Лойиҳа голибига продюсерлик маркази билан шартнома тузиш, яқин оқибатда аудио альбомини ёзиш ва битта кўшиқга клип олиш имконияти тақдим этилди.

**Омонулло ФАЙЗИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЯХШИ ХАБАР

Қизилтепа тумани телекоммуникация боғламасининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, бу ерда “Ягона ойна” хизмати ҳам фаолият бошлади.

**Азамат ЗАРИПОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## «Ягона ойна»

Эндиликда барча турдаги алоқа турлари — телефон ўрнатиш, интернет тизимига улааниш, замонавий IPTV хизматига боғланиш ва қўшимча хизмат турларидан кенг қўламада фойдаланиш мумкин.

— Қизилтепа тумани телекоммуникация боғламаси томонидан ҳозирги кунда 3743 та мижозга сифатли алоқа хизмати кўрсатилмоқда, — дейди “Ўзбектелеком” АК Навоий филиали Маркетинг хизмати бўлими бошлиғи Ёқуб Қосимов. — Янги технологияларнинг жорий этилиши фуқароларга қулайлик яратди, уларнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжларини қондиради.

**Азамат ЗАРИПОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Реклама ўрнида



оширилатган халқаро пул ўтказмалари аҳоли эътиборини қозонди.

Бундан кўриниб турибдики, банк ўзининг кенг қамровли хизматлари билан аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишончини янада ошириб, иқтисодий тармоқлари-

қайтарилишига ва уларга тўланадиган пулларнинг барқарор бўлишига, банкдаги пул маблағлари билан боғлиқ барча маълумотлар сир сақланишига қанчалик ишонч ҳосил қилса, ўзининг вақтинчалик бўш пулларини банкда сақлашга, эвазига қўшимча даромад олишига қизиқиши шу даражада кучайиши турган гап. “Ўзсаноатқурилишбанк” ўзининг самарали фаолияти билан биз, мижозларга худди шундай мустаҳкам ишонч уйғота олган молия муассасаси ҳисобланади.

Мазкур банкнинг яна бир афзаллиги ўзаро ҳисоб-китоб қилишни энг осон ва қулай усулларини ҳаётга табиқ этаётганлигидадир. Банк коммунал ва бошқа турдаги хизматлар учун электрон тўловни амалга ошириш ва интернет орқали доимий равишда шахсий ҳисоб рақамига киришга имконият берувчи қатор дастурларни жорий этмоқдаки, бу мижозларга бекуёқ қулайлик яратиб бермоқда. Мисол учун, “Уй банки” хизмат турини олайлик. Ушбу тизим ёрдамида шахсий пластик карточкани бошқариш ва ҳисоб варағидаги қолдиқ маблағлари ҳисобидан коммунал хизматлар, уали алоқа каби хизматлар учун тўловларни масофадан туриб бемалол амалга ошириш мумкин.

**Шухрат РАҲИМОВ,**  
Самарқанд шаҳри

## Бизнинг шарҳ

Айни пайтда банк филиаллари мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида фаолият кўрсатмоқда. Ходимлар эса ўз муассасасига ташириб буюрган, мурожаат этган ҳар бир кишини ҳушмуомалалик билан қутиб олиб, юқори савияли тезкор хизмат кўрсатишга интиломоқдалар. Қолаверса, барча филиалларда “Ишонч телефонлари” ишлаб турибди. Улар орқали мижозлар ҳар қандай эътироз, илтимос ва истақларини билдириши мумкин. Барча муаммолар ўз вақтида очиқлиб, мижоз манфаати фойдасига ҳал этилади.

Мамлакатимизнинг энг йирик ва нуфузли тижорат банкларидан бири — “Ўзсаноатқурилишбанк”, бу — Сизнинг банкингиз. Банк доимий равишда мижозларнинг ишончини оқлаб, уларга тақдим этадиган маҳсулот ва хизматларни тақомиллаштириб бераверади. Зотан, инсон, унинг манфаати, турмушининг ободлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиш доимо мазкур банкнинг диққат марказидаги масала бўлиб қолаверади.

**Фурқат САНАЕВ** тайёрлади.

нинг ўз хизмат турларини янада кенгайтираётганлиги биз каби мижозлар ишончи янада ортишига сабаб бўлмоқда. Кўп кузатман, ушбу молия муассасаси мижозларга тезкор, аниқ ва сифатли хизмат кўрсатиш борасида жаҳоннинг энг нуфузли банклари билан ҳам бемалол рақобатлаша оlishини исботламоқда. Масалан, “Ўзсаноатқурилишбанк” пул ўтказмалари бозоридида нафақат мамлакатимиз, балки халқаро банклар орасида ҳам етакчи ўринда туради.

Бундан ташқари, банк мижозларга янада қулайлик яратиш ва ишончли хизмат кўрсатиш йўлида энг сўнгги замонавий технологияларни жорий қилмоқда. Хусусан, банкда мижозларга масофадан туриб кўрсатиладиган жуда қўлаб хизмат турлари — “Банк — мижоз”, “Интернет — банкинг”, “SMS — банкинг”, “Уй банки”, “SMS — тўлов” каби қатор дастурлар ҳақида татбиқ этилмоқда.

Масалан, мен жамоамизнинг бош хисобчиси сифатида ўз фаолиятимда “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг “SMS — банкинг” хизмат туридан кенг фойдаланаман. Чунки бу

хизмат қатор қулайлик ва афзалликлар билан ажралиб туради. Ундан фойдаланган ҳар бир киши масофадан туриб ўз ташкилоти маблағларининг ҳаракати устидан кун мобайнида уяли телефонга “SMS” хабарлар жўнатиш орқали ҳисоб рақамидидаги жорий қолдиқ, сўнгги қирим ва чиқим операцияларини кузатиш имкониятига эга. Бу эса, ўз навбатида, банк мижозлар сонининг ошишига хизмат қилмоқда.

**Зариф ЗОИРОВ,**  
Муборак тумани

## Бизнинг шарҳ

Бугунги кунда банк ўз мижозларига бир вақтнинг ўзида “Contact”, “Migom”, “Interexpress Blizko”, “Western union” ва “UNiStrem” каби халқаро пул ўтказмаларини тақдим қилмоқда. Бу эса банкка дунёнинг турли минтақаларини қамраб олиш имкониятини яратиб, мазкур тизимлар фойдаланувчиларга қўшимча қулайликлар туғдираётир. Шу билан бир вақтда, пул ўтказмаларининг тезкор амалга оширилиши, уларнинг хавфсизлиги ва юқори бўлмаган хизмат ҳақлари — мазкур тизимга эҳтиёж борлигини исботлади. Банк филиалларидаги жамғарма кассаларда амалга

лаштирилган тўловларни кириб қилган вақтдан эътиборан, уларни сарфлашлари мумкин. “Ўзсаноатқурилишбанк” пластик карточкаларининг яна бир қулайлиги шундаки, ўтказилган маблағларни алоҳида тўлдириб бориш шарт эмас.

**Фотима ҒУЛОМОВА,**  
Шайхонтоҳур тумани

## Бизнинг шарҳ

“Ўзсаноатқурилишбанк” пластик карточкаларни муомалага чиқариши ва мижозларга хизмат кўрсатиши 2000 йилдан бери амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг

2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг янада самарали бўлишига хизмат қилмоқда.

Биргина шу йилнинг 1 майгача банк пластик карточкалари орқали 4,3 миллионга яқин транзакция ўтказилиб, тўловлар миқдори 257,7 миллиард сўмга етди. Йил бошидан бундан терминаллар орқали ўтказилган тўловларнинг 80 фоизи савдо шохобчаларида амалга оширилди. “Ўзсаноатқурилишбанк” халқаро пластик карточкалари банк томонидан ўрнатилган савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги терминаллар орқали “on-line” режимида тўловларни амалга оширади.

## Сифатли ва самарали

— Жамоамиз йигирма йилдан бундан “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Муборак тумани филиали мижозига ҳисобланади. Йилдан-йилга аҳил ва ташаббускор банкимиз-

## «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ва банкнинг минтақавий филиалларида ташкил этилган «Ишонч телефонлари»

«Ўзсаноатқурилишбанк»	Самарқанд минтақавий филиали	(8 366) 231-05-69
ОАТБ Бош офиси	Сурхондарё минтақавий филиали	(8 376) 781-12-86
Қорақалпоғистон минтақавий филиали	Сирдарё минтақавий филиали	(8 367) 225-29-25
Андижон минтақавий филиали	Тошкент вилояти минтақавий филиали	(8 371) 241-70-01
Бухоро минтақавий филиали	Фаргона минтақавий филиали	(8 373) 224-88-86
Қашқадарё минтақавий филиали	Хоразм минтақавий филиали	(8 362) 226-65-88
Навоий минтақавий филиали	Марказий амалиёт минтақавий филиали	(8 371) 120-01-14
Наманган минтақавий филиали	Тошкент шаҳар минтақавий филиали	(8 371) 140-66-07

# O'ZSANOATQURILISHBANK

Мустақиллик йилларидаги оламшумул ўзгаришлар ва янгиланишларнинг барчаси инсон, унинг манфаатлари учун йўналтирилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз молия бозорининг етакчи муассасаси — “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг ҳам бутун фаолияти халқимизнинг фаровонлиги, юртимизнинг ободлиги ва тараққиётига қаратилган.

Бугунги кунда мазкур молия муассасасининг уч ярим минг кишилик жамоаси бир миллиондан зиёд мижозлар хизматида. Банк юртимизнинг турли минтақаларида 44 та филиал, 70 дан зиёд минибанк, 130 га яқин жамғарма кассаси ва 166 та шохобчага эга. Жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, унинг капиталли 378,3 миллиард сўмга етказилди. Жами умумий активлар ҳажми 5,2 триллион сўмдан ошди.

Табиийки, эришилаётган бу каби муваффақиятлар тақдим этилаётган хизмат турларининг хилмаҳиллиги, сифати ва салмоғи ортиб бораётгани, ходимларнинг билим ва тажрибаси, энг асосийси,

Шу ўринда бир мисол. Ёдин-гизда бўлса, аввал фуқаролар ўз жамғармаларини фақат омонат дафтарчаларидагина сақлашар эди. Бугун эса биргина “Ўзсаноатқурилишбанк”да бундай омонатларнинг 30 дан зиёд турлари мавжуд. Энг муҳими, сўнгги йилларда банк пластик карточкалари ўзининг ҳар томонлама афзаллигини кўрсатмоқда.

Нега? Чунки бу тизим хизмат кўрсатиш ҳаракатларини қамраптириш, пул маблағларини сақлаш ва фойдаланишда ниҳоятда қулайдир. Миллионлаб сўм чўнтакнинг бир четиди — биргина пластик карточкада юрaverлади. Шунингдек, пластик карточ-

# ТЕЗКОР, ЗАМОНАВИЙ ВА ҚУЛАЙ

банк хизматини кўрсатаётган «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси мамлакатимиз молия бозоридаги ўз нуфузини янада мустаҳкамламоқда



мижозга муносабати юксалаётганлиги билан боғлиқ. Бинобарин, юздан ошқ замонавий банк хизматларини кўрсатаётган мазкур молия муассасасининг самарали фаолияти, мана тўрт йилдирки, жаҳоннинг нуфузли халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан муносиб баҳоланаётганлиги бежиз эмас. Қуйида ушбу банк мижозлари билдирган фикрлар ҳам шундан далolat беради.

## Афзалликда тенги йўқ

— Очиги, бир вақтлар оддий бир карточкага бутун бир жамғарма жойлаштирилиб, у орқали нафақат мамлакат, балки жаҳоннинг исталган жойида маблағга эга бўласиз, дейилса, кўнглик ишонмасди. Бугун эса пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг амалга оширилиши оддий жараёнга айланган.

Мустақиллик ҳаётимизнинг барча жабҳаларига янгилик ва ўзгаришлар олиб кирди. Ҳар бир соҳада янгилик, ташаббус кўрсатиш, яратиш ва бунёдкорлик жараёни кўзга ташланади. Одамларнинг дунёқарши, фикрлаш даражаси ҳам ана шу ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда ошиб бораётганлиги янада қўвончлидир.

кага ўтказилган маблағ йўқолмайти ва эскирмайди. Аксинча, “Ўзсаноатқурилишбанк” пластик карточка эгаси бундан даромад ҳам олади.

Қолаверса, пластик карточкалардан мамлакатимизнинг исталган ҳудудида фойдаланиш мумкин. Яна бир афзаллик жиҳати шуки, сиз уни йўқотиб қўйганингизда ҳам, жамғармангиздан ҳеч қандай қўшимча маблағ олимайди. Банк эса бундай вазиятда пластик карточкангизни бир зумда янгилаб беради.

Бундан ташқари, мижозлар пластик карточка ҳисоб рақамларига иш ҳақи ва унга тенг-

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Ўзловлар 232-11-15.

Таҳриятта келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун таҳрият жавобгар эмас.  
Газета таҳрият компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.  
Навбатчи — М. Ҳолматова.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.42 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5